

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатасининг  
ДЕПУТАТИ



ДЕПУТАТ  
Законодательной палаты  
Олий Мажлиса  
Республики Узбекистан

100035, Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 1-уй

100035, г. Ташкент, улица Бунёдкор, дом-1

№ 14/03-16

« 31 » январь 2018 й.г.

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазири  
Ж.А.Қўчқоровга

ДЕПУТАТ СЎРОВИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2017 йилнинг 22 декабрида мамлакатимиз парламентиغا мурожаатномасида қўйилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 2018 йил 13-20 январь кунлари жойлардаги ҳақиқий аҳволни ўрганиши давомида фуқаролар томонидан бир қатор масалалар кўтарилди. Жумладан, Фарғона вилояти Ёзйон тумани ўрганилганда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишдаги тизимли муаммолар мавжудлиги кўзга ташланди.

Туманда ўтказилган ўрганишларда аниқланишича, 4та ҚОП, 2та ҚВП ва 5та шифокорлар уйи ташкил этилган ва ўз фаолиятини амалга оширмакдалар. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ташкил этилган шифокор уйларида фуқароларни қабул қилиш кўлами деярли камаймаган. Шу билан бирга, қиш мавсумида фуқароларни қабул қилиш хоналарини иситиш учун кўмир ёқилғиси ажратиш, кўмир печьларини сақлаш ва хоналарни тозалаш мақсадида штат бирлиги ажратиш масалалари ҳам ҳал этилмай қолган. Бундай ҳолатни барча шифокор уйларида кузатиш мумкин. Натижада, шифокор уйига жойлашган 1та УАШ ҳам ўтинчилик, ҳам фаррошлик, ҳам шифокорлик қилишга мажбур бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида фуқаролар учун ноқулайлик туғдирмоқда ҳамда тиббий ёрдам кўрсатиш сифатига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Ҳурматли Жамшид Анварович,

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонунининг 12-моддасига асосан Сиздан мазкур масалани ҳал этиш бўйича ўз нуқтаи назарингизни ва уларни бартараф этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар ҳақида маълумот беришингизни сўрайман.

Шухрат ШАРАФУТДИНОВ